



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «8» июль

VI-30-32-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Худудларда паст ва ўрта кучланишли электр тармоқлари ва трансформаторларни босқичма-босқич янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида**

Худудларда паст ва ўрта кучланишли электр тармоқлари ва трансформаторларни босқичма-босқич янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Сурхондарё вилояти электр тармоқлари корхонаси бошлиғи М.Шамсиддиновнинг ҳисоботи Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясида кўриб чиқилганлигини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши 2021 йил 27 май куни ZOOM дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилояти электр тармоқлари корхонаси бошлиғи (М.Шамсиддинов) 2020 йилга нисбатан электр тармоқларини 4 баробарга, трансформатор пунктлари 2 баробарга янгилашни белгиланган муддатда якунига етказиш ишларини амалга оширсин.

3. “Сурхондарё сувтаъминоти” масъулияти чекланган жамияти (Б.Гулямов) туман (шаҳар) ҳокимликлари биргаликда 2020 йил пандемия даврида электр-энергиясидан қарздорлиги мавжуд бўлган тизимдаги ташкилотларнинг мавжуд қарздорликларини бир ой муддатда ундириш ёки қоплаб бериш чораларини кўрсин.

4. Вилоят электр тармоқлари корхонаси таркибидаги лойиҳалаштириш ташкилотлари томонидан берилган маълумотларга кўра 10 млрд. сўм маблағ ҳисобига қурилиш монтаж ишлари амалга оширганлиги, бу ишларнинг 90 фоиздан ортиқроқ қисми жорий йилнинг октябрь ойига қадар якунланиши белгиланганлиги инобатга олинсин ҳамда белгиланган муддатда ўз якунига етказиш чоралари кўрилсин.

5. Сурхондарё вилояти электр тармоқлари корхонаси бошлиғи М.Шамсиддинов Олтинсой, Бандихон, Шеробод, Сарийосиё туманларида электр энергия соҳасида муаммоли масалалар мавжудлигини инобатга олиб, ушбу туманларда бир ой муддатда соҳа йўналишида ишларни жадаллаштириш чораларини кўрсин.

6. Сурхондарё вилояти электр тармоқлари корхонаси бошлиғи М.Шамсиддинов

худудларда паст ва ўрта кучланишли электр тармоқлари ва трансформаторларни босқичма-босқич янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Джураева) зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**